

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВ САДИ МАҲАМАТЖОНОВИЧ

ПНЕВМОТРАНСПОРТ ҚУРИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Хусанов Сади Махаматжонович

Пневотранспорт қурилмаси элементларини такомиллаштириш.....3

Хусанов Сади Махаматжонович

Совершенствование элементов пневмотранспортной установки.....25

Khusanov Sadi

Improving of the elements of the pneumatic conveying installation..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСАНОВ САДИ МАҲАМАТЖОНОВИЧ

ПНЕВМОТРАНСПОРТ ҚУРИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T742 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мурадов Рустам Мурадович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Алишер Зулунович
техника фанлари доктори, профессор

Бобоматов Абдуғани Хусайнович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,
(PhD) доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 22 декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 228-76-757, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№391-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2020 йил “12” декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил “12” декабрь № 29-рақамли реестр баённомаси).


Х.Т.Ахмедходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
Ушбеков, техника фанлари доктори, профессор


О.Ш.Саримсаков
Расмий оппонентлар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор


Қ.М.Холиков
Илмий марказлар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий
содиратувчи, техника фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Жаҳон бозорида табиий маҳсулотлар, хусусан, табиий пахта толасидан тайёрланган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига талаб доимо юқори бўлган ва интенсив равишда ортиб бораётган аҳоли сони ҳисобига бу талабнинг истиқболда ортиб бориши кутилмоқда. Ҳар йили дунё миқёсида 23-24 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилади, лекин унинг йиллик истеъмоли 0,5-1,0 млн тоннага кўп. Етишмаган тола хажми хомашё захиралари ҳисобига қопланмоқда»¹. Шунинг учун, жаҳон миқёсида пахта етиштириш қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқларидан ҳисобланади ва нафақат АҚШ, Хитой, Хиндистон каби пахта етиштириш бўйича етакчи мамлакатлар, балки барча пахта етиштирувчи мамлакатларда пахта толаси истеъмом хусусиятларини яхшилаш, бозор талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сотилиш нархлари тушиб кетмаслигини таъминлаш, уни ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш йўли билан уни ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш масалалари соҳа истиқболини ҳал қилувчи масалаларга айланган.

Жаҳонда пахтани териш, ташиш, қуришиш, ифлосликлардан тозалаш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, пахтага дастлабки ишлов бериш технологиясининг барча босқичларида, хусусан, пахтани пневмотранспорт ёрдамида ташиш ва уни ташувчи ҳаводан ажратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича ҳам муайян тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки, яқуний маҳсулот сифат ва миқдор кўрсаткичлари шаклланишида бу жараёнлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу борада, пахта маҳсулотлари табиий хусусиятларини сақлаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятини берадиган технологияларни, пневмотранспорт тизимида пахтани ҳаводан ажратиш ва технологик жараёнга узатиш ускуналарининг ресурстежамкор конструкцияларини яратиш ва параметрларини оптималлаштириш мазкур соҳадаги устувор масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли ва паст таннархга эга бўлган кенг ассортиментдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва дунё бозорига чиқариш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пахта саноати тизими чуқур ислоҳ қилинмоқда, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилиш орқали пахта маҳсулотлари ва ундан тўқимачилик ҳамда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни марказлаштириш амалиёти йўлга қўйилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2018

рақобатбардошлигини ошириш, ...иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнида, хусусан пахтани пневмотранспорт билан ташишда уни ташувчи ҳаводан самарали ажратиш олиш ускунаси конструкциясини яратиш ва параметрларини асослаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони, «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамалакатимизда пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахтани ташишнинг назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратиш бўйича Р.Г.Махкамов, Х.А.Зияев, Р.Амиров, Б.М.Мардонов, П.Байдюк, Х.Ахмедходжаев, Х.А.Рахматуллин, Р.Мурадов, М.Хожиев, У.Х.Азизходжаев, Р.Файзиев, А.Давидов, Н.А.Ортиқов, С.А.Самандаров, А.Бурханов, А.А.Исмоилов, Р.Азбадалов, З.О.Шодиев, Т.О.Шамсутдинов, О.Ш.Саримсақов, О.Маматқулов, М.Салоҳиддинова ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган.

Сепарация жараёнини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамадан, пахта сепараторида тўрли юзадан пахтани ажратиш олиш ва уни вакуум-клапанга тушириш жараёнлари мукамал даражада ўрганилмаган, сепараторларда вентилятор орқали ҳосил қилинган ҳаво босимининг йўқолишига сабаб бўладиган юқори аэродинамик қаршилиқлар сабаблари тўлиқ очиқ берилмаган. Бундан ташқари, сепараторлар ёрдамида пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида толада нуқсонлар ҳосил бўлиб, пахта сифати бузилишига олиб келади. Шунингдек, толаларнинг ҳаво оқими билан чиқиб кетиши ҳамда пахтани тўрли юзага ёпишиб қолиши ва сидиргичларнинг тўр юзасидаги пахтани тўлиқ ажратиш ололмаслиги натижасида сепараторда тикилишлар содир бўлади. Юқоридагиларни инобатга олиб, сепарация жараёнини янада чуқурроқ

ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш, пахтанинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмайдиган конструкциясини ишлаб чиқиш масалалари ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг БВ-Атех-2018-114 рақамли «Толанинг сифатини яхшилаш мақсадида пахта сепаратори конструкциясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пневмотранспорт тизимидаги сепаратор қурилмаси конструкциясини такомиллаштириш орқали пахта хом ашёсининг ҳаво оқимидан, табиий сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда ажратиб олиш ва унинг таркибидаги майда ифлосликларни самарали тозалаш ҳамда сепараторда тола йўқолишини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олиш жараёнини бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш.

сепаратор ишчи камерасига ҳаракатланувчи тўрли юзани конвейерли транспортёр ҳолатида ўрнатиш ҳамда унинг пахта таркибидаги майда ифлосликларни самарали ажратиб олишга таъсирини аниқлаш ва бу бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

сепараторда ҳаракатланувчи тўрли юзани қиялик бурчагини ўзгартириш йўли билан пахтанинг шикастланишига таъсирини ўрганиш ҳамда математик моделлаштириш орқали ҳаво оқимидан ажратиш жараёнига таъсир қилувчи омилларнинг энг мақбул қийматларини аниқлаш;

сепаратор қурилмасининг экспериментал конструкциясини яратиш ва унинг самарали ишлашини асослаш;

таклиф этилаётган сепаратор қурилмасида ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ҳамда уни пахта хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

қабул қилинган техникавий ечимлар самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта тозалаш корхоналарида пахтани пневмотранспортда ташиш жараёнида уни ҳаво оқимидан ажратиб олишда қўлланиладиган сепаратор қурилмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахта сепаратори конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, пахтани ҳаводан ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотлар олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий

ўлчаш асбобларидан фойдаланиб, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани ташувчи ҳаводан ажратиб олиш жараёни ва унга таъсир қилувчи омилларни мақсадли бошқариш йўли билан пахтага механик шикаст етказмасдан, ҳаво оқимидан ажратиб олиш имкониятидан келиб чиқиб, пахта сепараторининг ҳаракатланувчи тўрли юзага эга бўлган конструкцияси ишлаб чиқилган;

сепараторнинг ишчи камерасида пахтани тўрли тасма ёрдамида ҳаводан ажратиш жараёни ва унга таъсир қилувчи омилларни назарий ўрганиш натижасида тўрли юза габарит ўлчамлари ва унинг ишчи элементлари таркиби ва дастлабки ўлчамлари аниқланган;

пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида пахта бўлакчасининг тўрли юзага урилиши, зарба кучлари ва пахта чигити қобиғининг мустаҳкамлиги назарий асосларини инобатга олган ҳолда янги ускунада пахта толаси ва чигитининг бошланғич сифат кўрсаткичлари тўлиқ сақланиши исботланган;

пахтани ҳаводан ажратиш жараёнини режали экспериментлар асосида ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, сепараторнинг амалдаги иш унумдорлигини сақлаган ҳолда тўрли юзанинг пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш ва чигит шикастланишини бартараф қилишни таъминловчи, чизикли тезлиги ва жойлашиш параметрлари оптимал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сепараторнинг ишчи камерасида пахтани ҳаводан ажратадиган, юқори иш унумида пахта сифатининг сақланишини таъминлайдиган ишчи органлари конструкцияси, параметрлари ва ишлаш режимлари асосланган;

янги сепараторда сидирғичлардан вос кечилган ҳолда ишчи камерага ҳаракатланувчи тўрли юза қиялик бурчак остида жойлаштирилган бўлиб, бу билан пахтани ҳаводан ажратишнинг янги усули ишлаб чиқилган ва қурилманинг параметрлари аниқланган;

шунингдек, пахтани ҳаво оқимидан марказдан қочма куч таъсирида ажратиб олиш жараёнининг назарий томондан асосланиб, қурилманинг параметрлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган сепараторнинг ишчи органларини ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд сепараторлар кўрсаткичларига солиштириш натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳаводан ажратиш жараёнида пахтани сепараторнинг механик таъсиридан ҳимоя қилиш орқали унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминловчи конструкцияси ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида ҳосил бўладиган тиқилишлар ва уларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, унда кириш қисми

қаршисига ҳаракатланувчи тўрли юзани ўрнатиш орқали пахтани ҳаво оқимидан шикаст етказмасдан самарали ажратиб олиш ҳамда сепараторда тола йўқолишини камайтириш ва тозалаш самарадорлигини оширишга эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани ташувчи ҳаводан ажратиб берувчи сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

пахтани ҳаводан ажратувчи сепаратор қурилмаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, «Наманган пахта текс» МЧЖга қарашли «Косонсой пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2020 йил 4-ноябрдаги №03-18/2594-сонли маълумотномаси). Натижада пахта толаси таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 0,4 %га камайтиришга эришилган;

пахтани ҳаводан ажратиш жараёни рационал параметрлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, «Наманган пахта текс» МЧЖга қарашли «Косонсой пахта тозалаш» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2020 йил 4-ноябрдаги №03-18/2594-сонли маълумотномаси). Натижада, жараёнда толанинг йўқолиши пахтанинг I-II навларида 0,7% дан 0,2% га ҳамда III-IV-V навларда эса 3,78% дан 2% га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 7 та Республика конференцияларида ва 4 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 5 та республика ва 5 та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилган. Шулардан 2 таси Scopus халқаро базасида индексация этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан қурилма бўйича дастурий таъминотга 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани пневмотранспортда ташилаётган ҳаво оқимидан ажратиб олиш жараёни бўйича илмий тадқиқот ишлари**» деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш жараёнида пахтани ҳаво оқимида ташувчи пневмотранспорт тизими ҳамда унинг асосий қурилмаси ҳисобланган сепаратор конструкциялари ва уларни такомиллаштириш бўйича аввал олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Пневмотранспортда ҳаво оқими ёрдамида ташилаётган пахта хом ашёсини ҳаво оқимидан ажратиб олишда қўлланиладиган хорижий техника ва технологиялар билан танишиб чиқилди. Шунингдек, пневмотранспорт тизимида ҳаво сарфи, ҳаво босимини назорат қилиш ҳамда сепараторларда пахтани ажратиш бўйича хорижий олимлар жумладан, Т.Е. Wright, О.Л. McCaskill, R.V. Baker ва V.L. Stedronsky лар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ишлари билан яқиндан танишилди ҳамда улар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар ўрганилди.

Пневмотранспорт тизими ва унда жойлашган сепараторлар бўйича илмий тадқиқотларни мамлакатимизда турли йилларда Р.Г. Махкамов, Х.А. Зияев, Б.М. Мардонов, П. Байдюк, Х. Ахмедходжаев, Х.А. Рахматуллин, Р. Мурадов, Р. Амиров, М. Хожиев, У.Х. Азизходжаев, Р. Файзиев, А. Давидов, С.А. Самандаров, А. Бурханов, А.А. Исмоилов, З.О. Шодиев, Т.О. Шамсутдинов, Н.А. Ортиқов, Р. Азбадалов, О.Ш. Саримсақов, О.Т. Маматқулов, М.Н. Салоҳиддинова ва бошқа олимлар ҳам олиб боришган.

Илмий тадқиқотларда пневмотранспортда тизимида ҳаво оқими билан пахтани ташиш ва сепарациялаш жараёнида пахта хом ашёсини шикастланиш даражасини ўрганиш, сепараторнинг ишчи органларини пахта сифатига таъсирини ўрганиш, пневмотранспортда ҳаво босимининг ўзгариши, сепаратор қурилмасига боғлиқлигини ўрганиш, тўрли юза билан сидиргич ўртасидаги боғлиқликни тола йўқолишига таъсирини ўрганиш, ҳаво оқимида ташилаётган пахтанинг шикастланиш даражаси ва қурилманинг иш унумдорлиги, пахта намлигига боғлиқлигини ўрганиш, пахтани турли материаллар билан таъсирлашиш жараёнида шикастланишини ўрганиш, шунингдек, пахта таъсирлашадиган юзанинг қилиқлик бурчагини пахта сифатига таъсирини ўрганиш, тўрли юзани фойдалилик қобилиятини ошириш, тўрли юзани пахта пахтани тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш, сепараторнинг толада ҳосил бўладиган нуксонларга таъсирини ўрганиш, вакуум – клапанида пахтанинг ҳаракатини ўрганиш, пахтани ҳаво оқимидан инерция кучи ёрдамида ажратиб олиш жараёнини ўрганиш, янги сепараторларни яратиш ва ишчи органларини такомиллаштириш бўйича қатор масалалар кўрилган. Лекин, сепараторда ҳаракатланувчи тўрли юза

ўрнатиш орқали эркин толаларни чиқишини камайтириш ва пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олиш самарадорлигини ошириш, ишчи камерага кириб келган пахта оқимини тўғри тўрли юзага йўналтириш орқали тозалаш самарадорлигини ошириш, пахтани вакуум-клапанга тўғри йўналтириш ва уни бир хилда тақсимлаш, пахтани тўрли юзадан ажратиб олишда тола ва чигитнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш, шунингдек, пахтани ҳаво оқимидан инерция, аэродинамик ва марказдан қочма кучлар таъсирида ажратиб олиш жарёни бўйича чуқур назарий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертациянинг «**Пахтани ҳаво оқимидан самарали ажратиб олиш жараёнининг назарий асослари**» деб номланган иккинчи бобига кўра пахтани сепаратордаги ҳаракати мобайнида ҳаво оқимидан унинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилмасдан самарали ажратиш масаласини назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Пахтани ҳаво оқимидан ажратиш жараёнида сепараторга ҳаво билан юқори тезликда кириб келган пахта ўзининг инерция кучи таъсирида сепараторнинг олд деворига зарб билан урилади. Бу вақтда пахта чигитларининг маълум бир қисми шикастланишга учрайди. Сепаратор деворига урилган пахта хом ашёси ўз оғирлиги таъсирида девор юзасида сирпаниб пастга қараб ҳаракатни давом эттиради. Ишчи камерага кириб келган пахтанинг маълум бир қисми эса ҳаво билан биргаликда тўрли юзага бориб ёпишади. Тўрли юзага ёпишган пахтани сидиргич ёрдамида ажратиб олинади ва вакуум-клапанга тушуриб юборилади. Бу жараёнда сидиргич томонидан таъсир этаётган куч пахта чигитининг шикастланишига, пишиб етилган толаларни чигитдан узилишига ва натижада чигитдан ажралган толалар тўрли юза тешикларидан ўтиб, тола йўқолишига олиб келади.

Тадқиқот ишида пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олишнинг икки хил усули ишлаб чиқилди. Бунда биринчи галда пахтани ҳаво оқимидан самарали ажратиб олишда марказдан қочма куч таъсир эттириш таклиф этилиб, назарий томондан асосланди.

Яъни, пневмосепаратор ишчи камерасига кириб келган пахтанинг ҳаракати ўрганилди.

Пневмосепаратор қурилмасининг конструктив тузилишини инобатга олиб, уни ишчи камерасида пахта бўлакчаларини назарий йўл билан ҳаракатини таҳлил қиламиз. Бу ҳолда пахта бўлакчасини m –массали материал нукта деб қараймиз. Пахта бўлакчасини ҳаракат траекториясини фазовий координаталар системаси: x, y, z – ўқларига нисбатан аниқлаймиз.

o, x, y, z – координаталар системасини бошини цилиндрни юқори кесим марказига жойлаштирамиз. oz ўқини тепадан пастга вертикал йўналтирамиз. Цилиндрик координата системасида пахта бўлакчасини ҳолатини координаталарини қуйидагича аниқланади:

$$x = r \cdot \cos \varphi, \quad y = r \cdot \sin \varphi, \quad z = z \quad (1)$$

r, φ, z координаталарини умумлашган координаталар деб қабул қиламиз ва 2-тур Лангранж тенгламасини тузамиз, яъни,

$$\begin{aligned}\frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial \dot{r}}\right) - \frac{\partial T}{\partial r} &= Q_r \\ \frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}}\right) - \frac{\partial T}{\partial \varphi} &= Q_\varphi \\ \frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial \dot{z}}\right) - \frac{\partial T}{\partial z} &= Q_z\end{aligned}\quad (2)$$

бу ерда: T – заррачанинг кинетик энергияси, унинг ифодаси қуйидагига тенг

$$T = \frac{1}{2} m (\dot{r}^2 + r\dot{\varphi}^2 + \dot{z}^2) \quad (3)$$

Q_r, Q_φ, Q_z - умумлаштирилган кучлар:

Умумлаштирилган кучларни аниқлашда массага таъсир этувчи ҳавонинг қаршилик кучини қуйидагича аниқлаймиз.

$$\vec{F} = F_r \cdot \vec{e}_r + F_\varphi \cdot \vec{e}_\varphi + F_z \cdot \vec{e}_z \quad (4)$$

бу ерда: F_r, F_φ, F_z - цилиндрик координата ўқлари бўйича ташкил этувчи кучлар. $\vec{e}_r, \vec{e}_\varphi, \vec{e}_z$ - бирлик векторлар.

Агар α, β, γ йўналтирувчи бурчак косинуслари бўлса, унда кучлар учун қуйидагиларга эга бўламиз.

$$F_r = |F| \cdot \cos \alpha, \quad F_\varphi = |F| \cdot \cos \beta, \quad F_z = |F| \cdot \cos \gamma$$

Ҳавонинг қаршилик кучи масса тезлигининг квадратиغا пропорционал деб оламиз (v_r, v_φ, v_z ҳаво оқими тезлигининг r, φ , ва z ўқлари бўйича проекциялари).

Координата ўқлари бўйлаб йўналган \vec{F} векторнинг компонентлари қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади.

$$Q_r = F_r = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_r - \dot{r}) \cdot F_0, \quad Q_\varphi = F_\varphi = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_\varphi - r\dot{\varphi}) \cdot F_0, \quad Q_z = F_z = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_z - \dot{z}) \cdot F_0 \quad (5)$$

бу ерда: $F_0 = \sqrt{(v_r - \dot{r})^2 + (v_\varphi - r\dot{\varphi})^2 + (v_z - \dot{z})^2}$

(3) формуладан T ни ва (4), (5) формулалардан Q_r, Q_φ, Q_z ларни (2) га қўйиб r, φ, z ларни аниқлаш учун қуйидаги тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.

$$\begin{cases} \ddot{r} = r \cdot \dot{\varphi}^2 + \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m} \cdot (v_r - \dot{r}) \cdot F_0 \\ \ddot{\varphi} = -\frac{2\dot{r}\dot{\varphi}}{r} + \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m \cdot r^2} \cdot (v_\varphi - r \cdot \dot{\varphi}^2) \cdot F_0 \\ \ddot{z} = \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m} (v_z - \dot{z}) \cdot F_0 + g \end{cases} \quad (6)$$

бу ерда:

r – пахта бўлакчасини аэродинамик сепаратор ишчи юзага кириш радиуси, m ;

φ – пахта бўлакчасини oz ўқ атрофида бурилиш бурчаги, рад;

z – горизантал ўқ, m ;

v_r, v_φ, v_z – ҳаво оқими тезлиги векторини ўқлар бўйича мос компонентлари, m/c ;

m – пахта бўлакчасини массаси, $кг$;

g – эркин тушиш тезланиши, m/c^2 ;

c – ҳаво оқимини пахта бўлакчасига таъсир этувчи қаршилиқ коэффиценти (ҳисоб китобда $c \approx 0,65$);

S_0 – пахта бўлакчасини қаршилиқ кесим юзаси m^2 .

(6) тенгламалар системаси $r = r_0, z = z_0, \phi = \phi_0, \dot{r} = 0, \dot{z} = 0, \dot{\phi} = 0$ бошланғич шартларда, Рунге-Кутте усули билан сонли ечилади, ҳамда тегишли 1-4 графиклар олинди.

(6) ни тенгламалар системаси ечимидан фойдаланиб, пахта массаларини қурилма деворларига етиб келиш траекториясини аниқлаймиз.

Бунинг учун пахта массасининг цилиндр сиртига етиш вақтини $t=t_0$ билан белгилаб, $t>t_0$ пахта массаси қурилма девор бўйлаб ҳаракатланади ва ҳаракат қонунини аниқлаш учун ушбу дифференциал тенгламасини ҳосил қиламиз.


$$\begin{cases} \ddot{\phi} = Q_\phi - fQ_r \\ \ddot{z} = Q_z - fQ_r + g \end{cases} \quad (7)$$

Бу ерда; $Q_\phi = \frac{c\rho S_0}{2m}(v_\phi - r\dot{\phi})F_0, \quad Q_r = \frac{c\rho S_0}{2m}(v_r - \dot{r})F_0, \quad Q_z = \frac{c\rho S_0}{2m}(v_z - \dot{z})F_0$


$$F_0 = F_1 = \sqrt{(v_\phi - r\dot{\phi})^2 + (v_z - \dot{z})^2} = \sqrt{(r\dot{\phi})^2 + \dot{z}^2}$$

(6) ва (7) тенгламалар системасини биргаликда “Maple-17” дастуридан фойдаланиб ҳисоблаймиз. Қурилма ичига кираётган ҳаво оқимининг умумий тезлиги, $v_0 = \sqrt{v_z^2 + v_\phi^2 + v_r^2}$ m/c га тенг деб, координата ўқлари бўйича, пневмо-сепаратор қурилмаси ишчи камерасига перпендикуляр (яъни цилиндр ички ён сиртига $v_0=0m/c$) бўлганда, қурилмага кираётган пахта ва ҳаво оқими қанча вақтда, қандай тезликда деворга тегишини ва унда қанча вақт бўлишини аниқлаймиз.


Қўйилган масалани ечиш методи: Юқоридаги (6) ва (7) – дифференциал тенгламалар системасида пахта бўлакчаларини пневмосепаратор қурилмаси ичидаги винтсимон ҳаракатини ифодалайди. Бу тенгламалар MAPLE-17 дастури бўйича тегишли бошланғич шартларда, сонли усулда ечилади. Натижалар бўйича графиклар олинди ва уларни таҳлил қилинди. Пахта массаси 1) $m=0,02$ $кг$; 2) $m=0,04$ $кг$; 3) $m=0,06$ $кг$, деб қабул қилинган.




1-расм. Пахта хомашёсини пневмо сепаратор қурилмаси ичидаги айланма ҳаракатини цилиндрни вертикал баландликка боғлиқ равишда ўзгариши траекторияси



2-расм. Пахта хомашёсини пневмо сепаратор қурилмасидаги ҳаракатини, цилиндр баландлиги бўйича айланма ҳаракати бурчагини вақтга боғлиқ равишда ўзгариши траекторияси



3-расм. Пахта хомашёсини пневмо сепаратор қурилмаси ичидаги айланма ҳаракати чизиқли тезлигини цилиндрни вертикал баландликка боғлиқ равишда ўзгариши траекторияси




4-расм. Пахта бўлакчаларини пневмо сепаратор қурилмаси ички деворлари бўйлаб, винтсимон айланиш $\varphi(t)$ - бурчагини вақт t – га боғлиқ равишда ҳаракати траекториялари

Ушбу назарий тадқиқот натижасига назар соладиган бўлсак, пахта хомашёсини марказдан қочма куч ёрдамида амалга ошириш имкони мавжудлигини кўрсатди. Лекин, ушбу жараёни амалга оширишда бир муоммо юзага келиши мумкинлиги аниқланди. Яъни унга кўра пахтани марказдан қочирма куч таъсир эттириш жараёнида пахта бўлакчалари қурилма ичида жуда кўп марта айланма ҳаракат қилгани учун пахта толасининг буралиб қолиш эҳтимолини ошириши мумкинлиги таҳлил қилинди.

Ушбу тадқиқот ишини келгуси тадқиқот ишларимизда давом эттириш мақсадида режага киритдик ва кейинги таклиф этган усулимизни, яъни, пахтани сепаратор қурилмасида тўрли юза ўлчамини оширган ва уни

ҳаракатланишини таъминлаган ҳолда назарий томонидан чуқур ўрганилди. Таклиф этилатилаётган қурилма қуйидаги 5-расмда келтирилган.



5-расм. Таклиф этилаётган пахта сепаратори қурилмаси

1-кириш қузури, 2-ишчи камера, 3-йўналтиргич, 4-тўрли юзали конвейер, 5- тўсиқ, 6- валлар, 7-чўтқали барабан, 8-вакуум-клапан, 9-хавони сўриш қузури.

Сепаратор ишчи камерасидаги пахта бўлакчаларини тўрли юза бўйлаб ҳаракатларига таъсир этувчи кучлар қуйидагилардир

$P_0 = CV_0^2$ – ҳаво оқимини аэродинамик кўтарувчи кучи;

$R_n = P_0 \cos \alpha$ – аэродинамик босим кучи;

$G = mg$ – пахта бўлакчасини оғирлик кучи;

$F_{uu} = f \cdot R$ – пахта бўлакчаси ва тўрли юза ўртасида юзага келувчи ишқаланиш кучи;

f – ишқаланиш коэффиценти;

F_0 – тўрли юзали конвейер лентаси томонидан пахтани судраш кучи;

Пахта бўлакчасига таъсир этувчи кучларни ox ва oy ўқлардаги проекцияларини ҳисоблаймиз:

$$\begin{cases} F_x = \sum (F_i)_x = -R_{nx} - F_{ux} - F_0 \sin \alpha \\ F_y = \sum (F_i)_y = G + R_{ny} - F_{uy} + F_0 \cos \alpha \end{cases} \quad (8)$$

ёки,

$$\begin{cases} F_x = -P_0 (\cos^2 \alpha + 0,5 \cdot f_0 \sin 2\alpha) + F_0 \sin \alpha \\ F_y = mg - 0,5 P_0 (\sin 2\alpha - f \cos^2 \alpha) + F_0 \cos \alpha \end{cases}$$

Агар қуйидагича белгилаш киритсак:

Пахта бўлакчасига таъсир этувчи барча кучларни ox ва oy – ўқлардаги проекциялари қуйидагича бўлади:

$$\left. \begin{cases} F_x = -\kappa_{11} P_0 + F_0 \sin \alpha \\ F_y = mg + \kappa_{22} P_0 + F_0 \cos \alpha \end{cases} \right\} \quad (9)$$

Ушбу ҳолда пахта бўлакчаларини тўрли юза бўйлаб ҳаракат дифференциал тенгламаларини қуйдагича ёзамиз:

$$\left. \begin{aligned} \ddot{x}(t) &= \frac{F_x}{m} \\ \ddot{y}(t) &= \frac{F_y}{m} \end{aligned} \right\} \quad (10)$$


Бу ерда: m – пахта бўлакчасини массаси;

(10)- дифференциал тенгламалар системаси қуйдаги (11) бошланғич шартларда интегралланиб, MAPLE-17 дастури асосида тегишли графиклар олиган.


Бошланғич шартлар:

$$\left. \begin{aligned} x_i(0) &= 0 \\ y_i(0) &= 0 \\ \dot{x}_i(0) &= \mathcal{G}_{\alpha x_i} \\ \dot{y}_i(0) &= \mathcal{G}_{\alpha y_i} \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

Натижалар таҳлили: 6–7–расмдаги графикларда пахта бўлакчаларини горизонтал – ox ва вертикал oy –йўналишидаги ҳаракат қонунларини вақт – t га боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари келтирилган. 6–расмдаги графиклардан кўришиб турибдики, тўрли конвейр сиртини вертикал йўналиш билан ҳосил қилган оғиш бурчаги $\angle \alpha$ – ни ортиб бориши билан пахта бўлакчаларини тўрли сиртдан ажралиб чиқиш жараёни тезлашар экан. Жумладан $\alpha = 30^\circ$ да пахта бўлакчалари $t=0,14$ сек да тўрли сиртдан ажралиб, вертикал йўналишда ҳаракатни давом эттириб кейинги жараёнга ўтиб кетса, $\angle \alpha = 45^\circ$ да бу жараён эса $t=0,12$ сек да, содир бўлар экан.



6-Расм. Пахта бўлакчасини Ox -координата йўналишидаги ҳаракатини вақт бўйича, турли α -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.



7-Расм. Пахта бўлакчасини Oy -координата йўналишидаги ҳаракатини вақт бўйича, турли α -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.

8-расмдаги графикларда пахта бўлакчасини вертикал oy – йўналишида ҳаракатини горизонтал Ox - йўналишга боғлиқ равишда ўзгариши қонуниятлари келтирилган. Агар конвейр лента сиртини вертикал билан оғиш бурчаги $\angle \alpha = 30^\circ$ бўлганда,


$$\begin{cases} x_y = 0,4м \\ y = 1м \end{cases} \quad (12)$$

пахта бўлакчаси тўрли юзадан ажралиб кейинги жараёнга ўтса, $\alpha = 45^\circ$ да


$$\begin{cases} x_y = 0,2м \\ y = 1м \end{cases} \quad (13)$$

Бу жараён содир бўлар экан. Яъни α -бурчакни ошиши, пахта бўлакчаларини ҳаводан ажралиш жараёнини тезлаштирар экан.


9-графикларда эса пахта бўлакчасини мос равида горизонтал, вертикал тезликларини вақти – t бўйича ўзгариш қонуниятлари келтирилган.



8-Расм. Пахта бўлакчасини ОУ-координата йўналишидаги харакатини ОХ-координата йўналишидаги харакатига боғлиқ равишда, турли α -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.



9-Расм. Пахта бўлакчасини ОХ-координата йўналишидаги харакат тезлигини вақт бўйича, турли α -оғиш бурчаклардаги ўзгариш қонуниятлари.



10-расм. Қурилманинг кинематик схемаси

Оғиш бурчаги $\angle \alpha$ -ни ортиши билан горизонтал тезликни кескин камайишини кузатиш мумкин. Бироқ бу жараённи вертикал йўналишда эса аксинча ортишини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг «Сепаратор қурилмасини экспериментал конструкциясининг яратиш ва қурилма параметрларини аниқлаш» деб номланган учинчи бобидатўрли сиртнинг ҳаво сўриш мумкин бўлган юзасини ошириш йўллари ва янги таклиф қилинган сепаратор конструкцияси, аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасида ҳозирги кунда самара бериб ишлаётган конструкциялар

тахлили ҳамда корхоналардаги муаммолар таҳлил қилинган. Тажрибалар ўтказиш учун мўлжалланган қурилма конструктив жиҳатдан содда, тажрибалар ўтказишга қулай ҳамда зарур ҳолларда ишчи қисмларини алмаштириш ёки геометрик параметрларини ўзгартириш имконияти бўлишига эътибор қаратилди.

Қурилманинг намунасини тайёрлашда унинг мустаҳкамлигини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун қурилманинг юритиш механизмлари мустаҳкамлиги ҳисоб-китоб қилинди (10-расм).

1) Занжирнинг ўртача тезлиги, m/c :

$$v = \frac{Z_1 \cdot t \cdot n_1}{60 \cdot 10^3} = \frac{36 \cdot 19,05 \cdot 1470}{60000} = 0,8 m/c \quad (14)$$

2) Таллаб этилган қувват.

$$P = \frac{F_{ю}v + Q_T}{\eta} \quad (15)$$

$$P = \frac{750 + 500}{0,88} = 1420 Bm = 1,4 kBm \quad (16)$$

$F_{ю}$ – тортиш кучи, $F = 750H$

v – узатма тезлиги, $n = 15 m/c$

$\eta = 0,88$

$\eta = \eta_1 \cdot \eta_2 \cdot \eta_3 = 0,92 \cdot 0,99^2 \cdot 0,98 = 0,88$

$\eta_1 = 0,92$ – занжирли узатма;

$\eta_2 = 0,99$ – подшипник;

$\eta_3 = 0,98$ – тасмали узатма;

3) Занжир шарнирларига тушаётган босим P , $MПа$:

$$P = \frac{F_t \cdot K_3}{A_{он}} ; \quad (17)$$

F_t - бўйлама куч;

K_3 - иш шароитини ҳисобга олиш коэффициентини;

$A_{он}$ - шарнир таянч юзаларининг проекциялари;

$A_{он} = 105,8 \text{ мм}^2$

$K_3 = K_д \cdot K_a \cdot K_n \cdot K_p \cdot K_{см} \cdot K_n$

$K_д$ - динамик коэффициент; $K_д = 1,5$.

K_a - ўқлараро масофани ҳисобга олувчи коэффициент; $K_a = 1$.

K_n - занжир қиялигини ҳисобга олувчи коэффициент; $K_n = 1$.

K_p - занжир таранглигини ростлаш усулини ҳисобга олувчи коэффициент;

$K_p = 1,25$.

$K_{см}$ - жойлаш режимини ҳисобга олувчи коэффициент; $K_{см} = 1$.

K_n - ишлаш даврийлигини ҳисобга олувчи коэффициент; $K_n = 1,25$ (икки сменада).

$K_3 = 1,5 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 1,25 \cdot 1,5 \cdot 1,25 = 3,5$

$$F_t = \frac{P}{V} = \frac{7,5 \cdot 10^3}{0,8} = 9375 \text{ H} \quad (18)$$

4) Занжирга таъсир қилувчи кучларни ҳисоби:

$F_t = 9375 \text{ H}$ - бўйлама куч;

$F_v = qv^2$ - марказдан қочма куч.

Бу ерда: $q = 1,9 \text{ кг/м}$

$F_v = 1,9 \cdot 0,8^2 = 1,2 \text{ H}$

$F_f = 9,81 \cdot K_f \cdot q \cdot a$ - занжирнинг салқинлигидан ҳосил бўладиган куч.

$K_f = 1,5$;

$a = 1,3 \text{ м}$;

$F_f = 9,81 \cdot 1,5 \cdot 1,9 \cdot 1,3 = 36,3 \text{ H}$

5) Валдаги юкланиш:

$$F_B = \frac{F_t + 2F_f + F_{ю} + Q}{2} \quad (19)$$

$F_{ю}$ - юк таъсирида ҳосил бўладиган куч.

$$F_{ю} = N_n \cdot V_n; \quad (20)$$

N_n - бир секунда тўрли юзага уриладиган пахтанинг оғирлиги; $N_n \approx 50 \text{ H}$.

V_n - пахта оқимининг тезлиги, $V_n = 12 \div 15 \text{ м/с}$.

$$F_n = 40 \cdot 15 = 600 \text{ H}$$

Q_T - зажирга маҳкамланган тўрли юза оғирлиги; $Q_T = 500 \text{ H}$.

$$F_B = \frac{9375 + 2 \cdot 36,3 + 600 + 500}{2} = 5273,8 \text{ H} \quad (21)$$

б) Занжирнинг мустаҳкамлик захираси S ни ҳисоби:

$Q = 31,8 \text{ кН}$

$$S = \frac{Q}{K F_t + F_v + F_f} = \frac{31,8 \cdot 10^3}{1,5 \cdot 9375 + 1,2 + 36,3} = \frac{31800}{14100} = 2,25 \quad (22)$$

Тўрли юзанинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш.

Ҳаво оқими билан аралашиб келаётган пахта массасини тўрли юзага таъсирини ўрганамиз. Бунда тўрли юзага таъсир этаётган кучни ҳисоблаймиз. Сепараторнинг иш унумдорлигини 15 м/с ҳисобга олган ҳолда, 1 сонияга нисбатан ҳисоблаймиз.

$15000 \text{ кг} \cdot 1 \text{ соат} \rightarrow 250 \text{ кг} \cdot 1 \text{ мин} \rightarrow 4,1 \text{ кг} \cdot 1 \text{ сек}$

Демак сониясига тўрли юзага $4,1 \text{ кг}$ пахта урилар экан. Энди тўрли юзага таъсир этадиган кучни ҳисобласак.

$$F = V \cdot N \quad (23)$$

Бу ерда:

F - куч,

V - пахта оқимининг тезлиги, $V_n = 12 \div 15 \text{ м/с}$;

N - бир секунда тўрли юзага уриладиган пахтанинг оғирлиги,


$N \approx 40 \text{ H}$;

Унга кўра,


$$F = 15 \cdot 40 = 600 \text{ H}$$

Тўрли юзага материал таналашда 3 мм қалинликдаги зангламас пўлат олинди.

Ушбу тўрли юза 9 мм×1800 мм ўлчамдаги пластинкалардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирларига шарнирлар ёрдамида бириктирилган. Пахта билан таъсирлашадиган тўрли юза, ўлчами бўйича шундай пластинкалардан 10 тасига тўғри келади. 600 Н кучни 10 га бўлсак, ҳар бирига 60 Н дан куч тақсимланади. Ушбу пластинкага таъсир этадиган куч натижасида деформация ҳисобланди (11-расм). Шунингдек, қурилманинг ишчи камерасига кириб келган пахта тўрли юзага таъсир этадиган кучлар натижасида деформация қуйидагича бўлади (12-расм).



11-расм. Тўрли юзанинг бўлагининг деформациясиланиши



12-расм. Тўрли юзанинг деформацияланиши

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, қурилма валларинг ўртасига тўрли юзани суриб туриши учун ғилдираклар қўйиш таклиф этилди. Бунинг натижасида тўрли юзани деформацияланиш ҳолати камайишига эришилади.

Экспериментал қурилмани конструкциясини тайёрлашда қурилманинг бир нечта параметрлари кўриб чиқилди ҳамда улардан қўйилган талабларга жавоб берадиган муқобили танлаб олиниб, кейинги тадқиқотлар ушбу қурилма билан амалга оширилди (13-расм).



13-расм. Таклиф этилаётган сепаратор қуримасининг конструкцияси

Қурилмада тажраиба синовлари ўтказилиб, натижаларни таҳлил қилиниб, қурилманинг ишлашининг оптимал қийматларини аниқлаш бўйича кирувчи ва чиқувчи параметрлар танлаб олиниб, ҳисоб-китоб ишлари ўтказилди. Унга кўра қурилмага кирувчи факторлар сифатида қуйидаги параметрлар олинди.

1-жадвал

Кирувчи параметрлар қийматлари

№	Номи, ўлчов номи	Белгиланиши	Қиймат			Δx
			-1	0	+1	
1	Лента тезлиги, <i>м/с</i>	X ₁	0,5	1	1,5	0,5
2	Кириш қисмидан тўрли юзагача бўлган масофа, <i>мм</i>	X ₂	400	500	600	100
3	Тўрли юзанинг қиялик бурчаги, <i>α°</i>	X ₃	20	25	30	5

Қурилманинг чиқувчи факторлари сифатида иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлиги олинди.

Регрессия тенгламаси

$$Y = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + b_3x_3 + b_{12}x_1x_2 + b_{13}x_1x_3 + b_{23}x_2x_3 + b_{123}x_1x_2x_3 \quad (24)$$


Ҳисоблашлардан келиб чиқиб регрессия тенгламалари қуйидагича тус олади.

$$Y_{R1} = 13,64 + 0,48x_1 + 0,56x_2 + 0,74x_3 - 0,04x_1x_2 - 0,01x_1x_3 + 0,31x_2x_3 - 0,09x_1x_2x_3$$


$$Y_{R2} = 1,73 + 0,14x_1 + 0,014x_2 + 0,171x_3 - 0,054x_1x_2 - 0,101x_1x_3 + 0,074x_2x_3 + 0,096x_1x_2x_3$$

Стьудент мезонини ҳисобий қийматини ҳисоблаш ёрдамида регрессия коэффицентларини аҳамиятлилиги текширилди.

Регрессия тенгламаси $Y_{R1} = 13,64 + 0,56x_2 + 0,74x_3 + 0,31x_2x_3$ ва $Y_{R2} = 1,73 + 0,171x_3 + 0,074x_2x_3$ ни ҳосил қиламиз ва уларнинг графигларини куйидаги кўринишда ҳосил қиламиз (14-15-графиклар).



14-расм. $x_1=0$ бўлганда иш унумини қийматлари.



15-расм. $x_1=0$ бўлганда толадаги ифлослик ва нуқсонлар аралашмаси массавий улушининг қийматлари

Графиклар таҳлил қилиниб, зарур параметрлар аниқланди.

Диссертациянинг «Янги сепаратор қурилмасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш» деб номланган тўртинчи бобидаянги сепараторни ишлаб чиқариш жараёнига ўрнатиш ва синов ишлари натижалари келтирилган.

Таклиф этилган сепаратор қурилмаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тассаруфидаги «Наманган пахта текс» МЧЖ га қарашли «Косоной пахта тозалаш» корхонасида технологик жарёнга жорий қилинганда толани чанг ҳаво билан чиқиб кетиши мавжуд сепаратор қурилмасида пахтани дастлабки қайта ишлашда толани йўқолишини навлар бўйича I ва II навларда - 0,7 кг/с ва III, IV, V навларда - 3,78 кг/с ташкил этиши ва такомиллашган сепаратор

қурилмасида бу кўрсаткич 0,26 кг/с ва 1,96 кг/с га тенг бўлиши кузатилди. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб сепаратордан кейин пахтадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори 0,4 % га камаяди. Асос учун биринчи сорт биринчи синф пахтани қабул қиламиз. Биз томонимиздан қабул қилинган пахтадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдорини 0,4% га камайишида толанинг ўрта ва яхши синфлари орасидаги фарқ 1 % бўлганда, жорий қилинаётган вариантда умумий ишлаб чиқарилган 10 % тола ўз синфини кўтаради ва унинг ўртача қиймати 11341913.0 сўмдан 11387280,7 сўмга ортади.

Йилига 156519 минг сўмни ёки чиқарилаётган 1 тонна толага 51486 сўмни ташкил ташкил этди. (2019 йил учун ҳисобланган).

Сепаратор конструкциясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида яратилган янги сепаратор конструкцияси сепарация жараёни самарадорлигини ошириш имконини берди.

ХУЛОСАЛАР

Республика ва хорижий мамлакатларда пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика ва хорижий мамлакатлар илмий тадқиқотчилари томонидан пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмастини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар таҳлили мавжуд сепараторларнинг бир қатор камчиликларини аниқлаш ва сепараторда пахтани кўшимча тозалаш, пахтанинг механик шикастланишини ва тола йўқолишини камайтириш бўйича тадқиқот олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

2. Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида пахта ва майда оғир жисмлар сепаратор ишчи камераси деворига бориб урилиши ва металл сиртни шикастлаши асослаб берилди ва урилиш майдони аниқланди ҳамда шу майдон бўйича ҳаракатланувчи тўрли юза ўрнатилди.

3. Пневмосепаратор қурилмасида пахта хом ашёсини ҳаракати назарий йўл билан ўрганилди ҳамда экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар олиниб таҳлил қилинди.

4. Сепаратор ишчи камерасида тўрли юза билан ҳаракатланаётган пахта хом ашёси ҳаракатини назарий йўл билан ўрганиш натижасида олинган дифференциал тенгламалар таҳлили асосида пахта бўлакчасининг ҳаракат траекториялари, унинг сепаратор тўрли юзасига урилиш майдони ва зарба кучлари аниқланди ҳамда зарба кучини камайтириш учун зарбани қабул қилувчи тўрли юза қия бўрчак остида ўрнатиш тавсия этилди.

5. Сепаратор ишчи камерасида ўрнатилган қия тўрли юза орқали пахта бўлакчасини ҳаракатини ўрганиш натижасида пахтани майда ифлосликлардан қўшимча тозалаш имконияти ўрганилди.

6. Сепараторнинг иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлиги ҳаракатланувчи тўрли юзани тезликлари ўртасидаги боғланиш ўрганилди ва рационал тезлиги 0,5 м/с га тенглиги аниқланди.

7. Сепаратор ускунасининг ишлаб чиқариш намунаси “Наманган пахта текс” МЧЖга қаршли “Қосонсой пахта тозалаш” корхонасида тайёрланди ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилганда, олинган натижалар пахтадаги нуқсонлар ҳамда ифлослик миқдори 0,4 % га камайгани ва толанинг сифати яхшилангани аниқланди.

8. Тақомиллашган сепараторни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали ўрта қувватли битта пахта тозалаш корхонаси ифлосликлардан тозалаш самарадорлигининг ошиши ва маҳсулот бошланғич сифати сақланиши ҳисобига корхона бир йилда 156519 минг сўми, ёки чиқарилаётган 1 тонна тола чиқишига нисбатан 51486 сўм иқтисодий самарадорликка эришилиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PHD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХУСАНОВ САДИ МАХАМАТЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ПНЕВМОТРАНСПОРТНОЙ
УСТАНОВКИ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника
и робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/T742.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мурадов Рустам Мурадович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маматов Алишер Зулунович
доктор технических наук, профессор

Бобоматов Абдугани Хусайнович
PhD, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится 22 декабря 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №391). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «12» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки №29 от «12» декабря 2020 года).


Х.Т. Ахмедходжаев
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор


О.Ш. Саримсаков
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор


К.М. Холиков
Председатель научного комитета при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «На международном рынке требование к продукции из натуральных материалов очень высока, в частности, на продукцию из хлопка-сырца текстильной и легкой промышленности и за счет интенсивного увеличения числа населения потребность на такого рода продукцию будет всегда востребованной. Каждый год в мировом масштабе производится 23-24 млн. тонн хлопкового волокна, однако потребность на данную продукцию на 0,5-1,0 млн. тонн больше. Недостача по данной продукции покрывается за счет резервов сырья»¹. Поэтому выращивание хлопка в мировом масштабе считается перспективной отраслью сельского хозяйства и не только в США, Китае, Индии, являющихся ведущими странами по производству хлопка, но и в других странах выращивающих хлопок становится острой проблемой. Это в первую очередь, улучшение потребительских свойств хлопкового волокна, производство продукции в соответствии с требованиями рынка, повышение рентабельности производства за счет снижения затрат и уменьшение себестоимости продукции.

В мире проводятся широкие исследования по совершенствованию сбора, перевозки, сушки, очистки хлопка, а также по выявлению факторов отрицательно влияющих на качество продукции и по устранению их, на всех этапах технологии первичной обработки хлопка, в частности, перевозки хлопка при помощи пневмотранспорта и по совершенствованию процесса отделения хлопка от воздуха. Эти перечисленные процессы играют важную роль в формировании качественных и количественных показателей вырабатываемой продукции. В этой связи главной проблемой отрасли считается сохранение природных свойств хлопковой продукции и внедрение технологий, позволяющих сократить затраты производства, отделение хлопка от воздуха в системе пневмотранспорта и создание ресурсосберегающих конструкций, транспортирующих устройств технологического процесса и оптимизации их параметров.

В нашей республике осуществляется комплекс мер по увеличению производства конкурентоспособной и высококачественной продукции широкого ассортимента с низкой себестоимостью текстильной и легкой промышленности из хлопкового волокна, которое является основным сырьем в нашей стране. В частности, реформируется система производства хлопка, создаются хлопково-текстильные кластеры, в них применяется практика

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2018

централизации производства трикотажной и легкой промышленности. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 г.г. были определены задачи по “повышению конкурентоспособности национальной экономики, ... понижению затрат энергии и ресурсов в экономике, расширение применения энергосберегающих технологий”. При выполнении данных задач важным считается решение следующих проблем: разработка и обоснование параметров конструкции эффективного отделения хлопка от воздуха в процессе пневмотранспортной подачи хлопка в процессии его первичной обработки.

